

Бемор ҳузурида айтиладиган зикр



09:02 / 24.06.2025 1121

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Касални зиёрат қилиш унинг пешонасига қўлни қўйиш ёки қўлни ушлаб, аҳволи нечук эканини сўраш билан мукамал бўлади»**, дедилар».

Имом Термизий ривояти.

Ибн Суннийнинг ривоятларида: «Касал кўришнинг мукамаллиги касалга қўлни қўйиб туриб: «Қандай тонг оттирдинг?» ёки «Нечук кечлатдинг?» деб айтишдир», дейилади.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан

Таржимон Анвар Аҳмад

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.